



Фарғона ҳақиқати

Ватанпарварлик —
номусли ва
назокатли
тўғғудир.
В. СУХОМЛИНСКИЙ.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Сайтмига ўтиш учун
QR кодини телефонингиз
орқали сканер қилинг



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati

2021 йил 15 январь, жума

№ 5 (24498)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!
Қуроли Кучларимиз фахрийлари!
Мўхтарам ватандошлар!

Авалло, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу кўтлуғ айём том маънодаги умумхалқ байрамига, азалдан халқимизга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак қасбиётлар тисолига айлиниб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Таъкидлаш керакки, **миллий армия-мизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, баррикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир.** Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этишимиз керак.

Ишончим комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч раҳна сололмайдиган, демократик ислохотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортага қайтара олмайдиган.

Биз баҳодир ва довуррак ҳарбийларимиз билан — ўзининг муқаддас қасамидега содиқ қолиб, хизмат бурчини ерда ҳам, қўлда ҳам шараф ила адо этаётган юртимизнинг забардаст ўғлонлари билан ҳамгилликда фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуроли Кучларимиз сафарларида хизмат қилаётган кўрқам ва ҳақиқий ватанпарвар аскар ва офицерларнинг **ота-оналари**га, шунингдек, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини турмуш ўртолари билан баҳам қўриб келаётган меҳрибон ва сабр-тоқатли **рафиқаларига** улкан миннатдорлик билдираман.

Биз сизларнинг тисолигинда миллий армиямизга тоғдек таянч бўлиб турган буюк маънавий кунини қўрашимиз. Бугунги улғў айёмда сизларнинг ҳам Ватанимизнинг муқаддас қудратини оширишда муносиб ҳиссангиз борлигини яна бир бор қатта маннунгиз билан эътироф эташимиз.

Қадрли дўстлар!
Биз бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислох қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб олган эдик. Шу асосда мамлакатимиз муқаддас қобилиятини мустаҳкамлаш ва

Қуроли Кучларимизни ривожлантириш учун кенг қўламли ишларни амалга оширишдадир. **Ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта қўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армия-мизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.**

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига қўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз муқаддас қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. **Энг муҳими, "Армия ва халқ — бир тану бир жондир"** деган улғў гоғни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ана шундай сазй-ҳаракатларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуроли Кучлари республикаимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

Энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Албатта, ўтган 2020 йил жаҳондаги барча давлатлар қатори мамлакатимиз учун ҳам жиддий синовлар йили бўлди. Биз коронавирус пандемиясининг таҳдидига, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида қўтилмаган табиий ва техноген офатларга дуч келдик.

Ана шундай гоғат кескин шариотда Қуроли Кучларимиз соҳибқирон Амир Темури бобоимизнинг **"Миллатнинг дардида дармон бўлмоқ — чин вазифангиздур"**, деган эзгу давлатини ўзига шиор қилиб олди.

Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарликни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд эташимиз.

Айниқса, бу жараёнда ҳарбий шифокор ва хизматчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ва қўтқарув хизмати ходимлари ҳақиқий мардлик ва жасурлик намунасини, юқори касбий маҳоратни намоён этганлари алоҳида таъхис ва эътирофга сазовордир.

Бундай мураккаб вазиятда Қуроли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилгани аҳоли саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш борасида олдимизга қўйилган долзарб

вазифаларни тезкор ва самарали ҳал этиш имконини беради.

Минтақамизда ягона бўлган ушбу янги академия ҳарбий тиббиёт соҳасида, Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган юқори малакали ва ихтисослашган кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Академияда жаҳон андозаларига мос инновацион ишланмалар ҳамда илғор технологияларга асосланган ўқув-лаборатория хоналари ва энг замонавий моддий-техник база яратилмоқда.

Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини берди.

Паҳлавон ва ботир ўғлонларимиз халқро ҳарбий-ўқув машғулоти, армия ва спорт мусобақаларида дунёдаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбий хизматчиларига асло бўш келмасдан, галабага бўлган иродасини яққол намойиш этиб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканини исботламоқдалар.

Мўхтарам ватандошлар!
Биз глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамадан, ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий шахарчаларни ободонлаштириш, уларда замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича тизимли ишларимизни изчил давом эттирялгимиз.

Ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари учун қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб, мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари форумида, Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаотномамизда ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни аниқ белгилаб бердик.

Янги Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом, Она Ватанга фидойи ва жонқур инсонлар бўлиб, улғайиши, шонли тарихимиздан ибрат олиб, ундан фахрланиб яшаши учун бар-

ча куч ва имкониятимизни тўлиқ сафарбар эташимиз.

Жаҳонда мафқуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконда турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шариотда барчамиз доимий оғоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак.

Айниқса, адашиб, ёт гоғлар таъсирига тушган шахслар ва уларнинг фарзандларида мафқуравий иммунитетни шакллантириш ва уларни соғлом турмуш тарзига, тўғри йўлга қайтаришда ҳарбий хизматчиларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириши лозим.

Ҳурматли мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб жоғаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жоғанон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт.

Хусусан, муқаддас қобилиятимизни мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги сазй-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч меҳнати, осойишта ҳаётини, юртимизнинг мустақил соғмонини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини билан сиз, азизларни ва оила аъзоларингизни яна бир бор чин юракдан табриқлайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман. Халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмат-эҳтироми сизларга ҳамisha ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЕЁВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуроли Кучлар Олий
Бош Қўмондониди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ
ЭТИЛГАННИНГ 29 ЙИЛЛИГИ
ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ
КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг муқаддас қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш ва нуфузини оширишда қатта хизматлари, жамятда тинчлик-осойишталик ҳамда жамоат тартибни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний мафқураларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик, жасурат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик ва она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
медали билан**

Мамажонов Фахриддин Мўхторович —
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси алоҳида
батальон командири

**«ШУҲРАТ»
медали билан**

Кенжаев Шокиржон Хусанович —
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси
патруль-пост хизмати батальони бўлинма
командири

Саидов Ёркинжон Хасанович —
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани
фавқулодда вазиятлар бўлими ёғнин-қўтқарув
қисми смена бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти** **Ш.МИРЗИЕЁВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 12 январь

(Фармоннинг Фарғона вилоятига
тегишли қисми олинди).

Фарғонада Ватан ҳимоячиларини шарафлаш тантаналари ЕЛҚАДА ВАТАН ЮКИ, ЮРАҚДА ҲАЁТ ИШҚИ

14 январь. Эрта тонгдан муқаддас заминга интилган қўёш Она Ватанимизнинг ёруғ манглайи, нури истиқболи нишонаси янглиғ бўй кўрсатди. Истиқлолимиз раъзи, эркин ва осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам қўрғони бўлган миллий армиямиз, том маънода, халқ ишончи ва суянчига айлангани эса бу куннинг чинакам миллий байрам сифатида қадрланишига асос бўла олади.

Фарғона шаҳридаги Хотира хиёбонида Ватан ҳимоячиларини шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



техника билан таъминланганини эътироф этиш керак. Сафимизда ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий қасбиётларга эга офицер кадрларнинг кўпайиб бораётгани фахрланарли, албатта.

Шу лаҳзаларда муқаддас Ватанига садоқат билан хизмат қилишга қасам ичган ҳарбий ўғлонлар, тантанана гувоҳ бўлиб турган юртошларимиз қалбига шонининг ўтли сатрлари аксадо бергандай гўё:

*Ҳеч кимга ҳеч қачон
бўлмамай қарам,
Она юрт қошида тиз чўккан ўғлон.
Энг улғў қасам бу — онага қасам,
Энг буюк қасам бу — юртга, беғумон!*

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим Фарғона шаҳридаги "Файз" мажмуасида давом этди.

"Ким Ватанга содиқ бўлса, менидирман ўша!" шиори остида ташкил этилган байрамда Қуроли Кучларимиз фахрийлари, офицер ва сержантлар, уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлишди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров байрам қатнашчиларини Ватан ҳимоячилари кунини билан самимий кутлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли

Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги муносибати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

"Бугунги кунда Ўзбекистон Қуроли Кучлари республикаимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда. Энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларини ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди", деб таъкидланади давлатимиз раҳбарининг табригида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига қўра давлатимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланганлар орасида Фарғоналик ҳарбий хизматчиларнинг борлиги юксак шарафдир.

Мамлакатимиз муқаддас қудратини юксалтириш, профессионал миллий армиямизни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, ўзининг муқаддас бурчини бажаришда мардлик, жасурат ва фидойилик кўрсатган ҳарбийлар тантанали тақдирланди.

Уз хизмат вазифасини бажаришда виждонан ёндашгани, намунавий ҳарбий интизоми учун подполковник Фуломжон Худойбердиев, майор Баҳодир Абдумаликов, кичик сержант Акмалжон Охунтошев сингари бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга "Намуналик хизматлари учун" II, III даражали



кўкрак нишонлари, Мудофаа, Ички ишлар вазирлигининг "Фахрий ёрлик" ва қимматбахо совғалари топширилади.

Вилоят ҳокимлиги — ҳарбий маъмурий

сектор томонидан хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, шунингдек, Қуроли Кучлар фахрийларига совғалар тақдим қилинди.

СўЗ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА

Тўлқин ЭСАНОВ, подполковник:
— Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Олий Бош Қўмондониди, мўхтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармонида кўра "Мардлик" ордени билан тақдирландим. Айни дамда халқимга, Президентимга садоқат билан хизмат қилиш аҳди юрагимда жўш урмоқда. Мард ва жасур боболаримиздан қолган улғўлик бор: "Неки азиз бўлса, унинг ҳимояси шартдир". Мустақиллик, тинчлик, фаровонлик каби азиз неъматларни асрашга ҳамisha шаймиз.

Суннатжон ЙЎЛДОШЕВ, виллоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси инспектори:

— Бугунги тантанали тадбирда менга "майор" ҳарбий унвони топширилгани зиммамдаги масъулият ва шарафни янада ортирди. Президентимизнинг "Миллий армиямизнинг куч-қудрати — азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, баррикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир. Ишончим комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч раҳна сололмайдиган, демократик ислохотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортага қайтара олмайдиган" деб айтган сўзлари хизмат фаолиятимизнинг эзгу шиори бўла олади.

Елкада Ватан юки, юракда ҳаёт ишқи билан яшаётган, элнинг довуррак ўғлонлари — Ватан ҳимоячиларини шарафлашга бағишланган тантаналар ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоаларида, ҳар бир оилада давом этади.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА.
Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров бошчилигида вилоятимиздаги барча ҳарбий тузилмалар, корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари ҳарбий оркестр сизмака садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳисини ангради.

Шундан сўнг Шарқий ҳарбий округ хизматчилари, Миллий гвардия, Мудофаа, Ички ишлар, Божжона,

Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва бошқа ҳарбий тузилмалар сержант ва офицерлари майдон бўйлаб саф тортди ўтишди.

— Утган қисқа вақт мобайнида Қуроли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан такомиллашди, — дейди Фарғона гарнизоини ҳарбий қоманданти ўринбосари, подполковник Ёқубжон Азаматов. — Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ошгани, қисм ва бўлинмаларнинг замонавий қурол-яроғ ва жанговар

Муносабат

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАРГА КАМАРБАСТА



Азамат АБДУРАХМОНОВ, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.

Тошкент тиббиёт академиясида бакалаврият ва магистратура босқичларини тамомлаб, ёш мутахассис сифатида фаолият олиб бораётган. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига Мурожаатномасида 2021 йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш, бу ишлар учун давлат бюджетидан 3 триллион сўм захира шакллантирилиши қайд этилган қувонарли, албатта.

Пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади. Тиббиёт мусассаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва шифохоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари қўйилади. Республика ихтисослашган тиббиёт марказ-

лари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун ҳудудларда имкониятлар янада кенгайтирилади.

Маърузада жорий йилдан бошлаб 15 ёшга бўлган болалар ва ҳомилдор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилиши

маълум қилинди. Тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айнисика, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат "тиббий бригадалар" ташкил этилиши ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ёшларнинг фаол вакили сифатида таъкидланган фикрлар ва белгилаб берилган устувор вазифаларни чуқур мулоҳаза қилиб, бу хайрли ташаббусларни рўйбга чиқаришда Президентимизга ёлқош бўлиш олий мақсадимга айланди.



ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ ЗАРУР

Умидахон ГОФУРОВА, 2-сонли вилоят юқумли касалликлар шифохонаси врач-инфекционисти, I даражали «Саломатлик» ордени соҳиби.

Ўтган 2020 йил бутун дунёда, хусусан, мамлакатимиз ҳаётида Covid деб аталмиш бало, айтиш жоиз бўлса, ўзига хос синов билан биргалликда хотирямизда қолиши, шубҳасиз. Шунингдек, дунё бўйлаб коронавирус инфекциясининг кенг миқёсда тарқалиши давлатлар ўртасиданги ўзаро алоқаларнинг маълум маънода узиллиб қолишига, қатъий карантин эълон қилиниши ҳисобига мамлакатлар иқтисодий ҳаётини тўқатишга сабабчи бўлди.

Албатта, ҳар бир давлат ўз кучи, имкониятига таянган ҳолда инфекция тарқалишининг олдини олиш мақсадида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Карантин эълон қилинган кундан бошлаб ҳукуматимиз ҳам зудлик билан бу вирус тарқалишининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни қўллади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ўртасида инфекция ўзининг қамқолишига олиб келди. Бироқ, бу вирус батамом йўқолди, дегани эмас. Афсуски, аҳоли ўртасида карантин чораларига тўқил амал қилинмагани сингари бир қатор сабаблар туфайли пандемия ҳамон давом этиб келмоқда. Халқаро ташкилотлар, нуфузли экспертлар ҳулосасига кўра, пандемия даври ҳали узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин. Бу ҳолат эса хотиржамликка ҳали эрта, деган фикрни уйғотиши тавбаки.

Республикамизга коронавирус инфекцияси кириб келиши муносабати билан қисқа муддат ичида барча шароитларга эга, мослаштирилган даволаш масканлари ташкил этилди, жумладан, вилоятимизда ҳам қурилган ана шундай масканлар ҳалқимиз саломатлигини асраш йўлида хизмат қилмоқда. Улар зарур дори-дармонлар, ҳимоя воситалари, керакли ашёлар, энг замонавий диагностика воситалари, замонавий апаратуралар билан таъминланди. Шунингдек, пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари, 150 нафардан зиёд хориқлик мутахассислар, малакали шифокорлар жалб

этилди. Ўтган давр мобайнидаги амалий қузувлар ва кўллаб саъй-ҳаракатлардан ҳулоса чиқарган ҳолда, аҳоли ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тадбирларини кучайтириш, барча ҳудудларда санитар-оққартирув ишларини давом эттиришимиз, бу жаҳада қатъий назоратни кучайтиришимиз лозим. Яқин келажакда инфекцияни эрта аниқлаш учун янги таҳлиллар топширишни йўлга қўйиш кўзланмоқда. Бу борада оилавий поликлиникаларда аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишни узулқисиз равишда ташкилдан, тиббиёт ходимлари маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик билан биргалликда аҳоли ўртасида касалликларнинг тарқалиши бўйича тушунтуриш ишларини олиб бориш мақсада мувофиқ. Пандемияга қарши курашишда тизимли ишларни олиб бориш, ҳар бир фуқаро онгида кишилар саломатлигини асрашга нисбатан масъулият ҳиссини уйғотиш долзарб вазифадир.

2021 йилнинг мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб қабул қилиниши биз тиббиёт ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирилган тажриба, шунингдек, хориқ тиббиётдаги илғор ютуқлардан фойдаланиш, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш учун бор билим ва кучимизни сарфлаймиз.

ХУСУСИЙ ОЛИЙГОҲЛАРГА — ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ

Ботир РАҲМОНОВ, Фарғона давлат университети магистранти.



Ўтган тўрт йил давомида мамлакатимизда таълимга эътибор энг устувор масала сифатида ислох қилинди. Буни мактабга таълимдан бошлаб олий таълимгача бўлган барча босқичларни замон талаблари асосида ривожлантириш ва таълим сифатини тубдан яхшилашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар мисолида кўрамиз.

Узбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида ҳам ёшлар таълим-тарбиясига масъул барча муассасалар, хусусан, олий таълим сифати ва қамровини ошириш масаласига алоҳида тўхталди.

Мурожаатномада қайд этилганидек, 2021 йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сонини камидан 25 фоизга оширилади.

Хозирги вақтда ёшлар энг нуфузли олийгоҳларга кириш учун интилади, лекин олий ўқув юртилари ўртасида билимли ва иқтидорли ёшларнинг жалб қилиш бўйича рақобат йўқ. Шу сабабли, хусусий олийгоҳларга ҳам керакли мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бериш тизими йўлга қўйилади.

Авалло, айтиш керакки, мамлакатимиздаги мавжуд олийгоҳлар олий маълумот олиш истагида бўлган ёшларни тўла қамраб олиш имкониятига эга эмас. Айтиш шунки ҳақиқат хусусий олийгоҳлар зиммасига ҳам юртимиз халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритадиган малакали ёшларни тарбиялаш, меҳнат бозорига еш кадрлар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш каби талаблар қўйилади.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифага кўра, эндиликда хусусий олийгоҳлар ҳам мамлакат иқтисодий талабларидан келиб чиқиб, давлат буюртмаси асосида зарур мутахассисларни тайёрлайди.

Хусусий олийгоҳлар ҳудудлардаги мавжуд йирик корхоналар ва ташкилотлар билан аниқ дастур, истиқболли режалар асосида ҳамкорлик ўрнатсалар, олий маълумотли кадрлар масаласида талаб ва тақдирини Ватан истиқлоли билан бир деб билган ташаббускор ва фидойий ёшларни юксак исплохотлар жараёнининг олдинги сафларидан бўлишига ундади.

тэйёрлаш бўйича мустаҳкам ҳамкорликни яна кенгайтириш зарур. Мурожаатномада келгуни йилда "Эл-норт умиди" жамғармаси орқали етакчи хориқий олий ўқув юртиларининг магистратура ва докторантурасига қўйишга бозорига яна ёш кадрлар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш каби талаблар қўйилади.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг бу йилги Мурожаатномаси халқимиз, хусусан, ёшларимиз орасида кутган, уларнинг таълим ва илм-фан ривожини йўлга қўйишнинг зарур шартлари билан бир қатор, куч ва шижоат бахш этган муҳим даъватлардан иборат бўлди. Ўз тақдирини Ватан истиқлоли билан бир деб билган ташаббускор ва фидойий ёшларни юксак исплохотлар жараёнининг олдинги сафларидан бўлишига ундади.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар...

Ҳокимга ҲАЙФСАН берилди.

НЕГА?

Ёки Қўқон шаҳрида фойдаланилган газ учун қарздорликнинг ортиб бораётгани ҳақида



Табиий газ она табиатнинг бебаҳо инъомати сифатида эътироф этилади. Шу боис ҳам ундан самарали фойдаланиш, истеъмол қилинган табиий газ ҳақини тўлашни тизимли йўлга қўйиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан.

Бироқ, истеъмолчиларнинг табиий газдан бўлган қарздорлиги ҳамон ортиб бормоқда. Биргина Қўқон шаҳрида дебитор қарздорлик кейинги уч ойда 18 миллиард сўмга ошди, 97 миллиард 397 миллион сўмга етди. Бунинг катта миқдори — 93 миллиард сўми аҳоли хиссасига тўғри келади. Нима учун? Нега мутахассислар қарздорликни камайтириш бўйича ташаббус кўрсатмапти? Лоқайдлик, эътиборсизликка сабаб бўлаётган омишлар борми?

— Шаҳримизда 46 минг 700 нафардан ортиқ газ истеъмолчиси бор, — дейди "Худудгаз Фарғона" Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Ҳайдаров. — Биз имкон қадар истеъмолчиларга газ етказиб беришга ҳаракат қиляптимиз. Аммо фойдаланилган газ ҳақини ундириб олишда муаммоларга дуч келяптимиз. Аҳолининг кунлик газ истеъмоли 884 миллион сўмга тўғри келади. Лекин унинг 60-70 фоиз ҳақи ундириб олинмапти, холос. Вужудга келган ҳолатни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари билан биргалликда ишлар олиб боришмоқда. Жойларда 11 та "Сайёр касалар" фаолияти йўлга қўйилди, бир миллион сўмдан ортиқ қарздорлиги бўлган истеъмолчилар табиий газ тармоғидан узилмоқда. Бундан ташқари, "ақли" газ ҳисоблагичлар ўрнатилиши алоҳида эътибор қаратяптимиз. Хозирга қадар 20 мингдан ортиқ хонадонларга ана шундай замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бу борадаги ишлар жорий йилнинг август ойида якунига етказилади.

"Ақли" ҳисоблагичлар табиий газ сарфини аниқ электрон тарзда бошқаради. Яъни, истеъмолчи олдиндан тўлаган пули миқдорига газ харид қилиб олади. Бу қарздорликнинг олдини олиш, газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш имкониятини беради.

ҲАММАСИ ЯХШИ, БИРОҚ...

Истеъмолчилар сарфланган газнинг ҳақини

тўлашни унутиб қўйишгаданек. "Аччиқкўл", "Райхон", "Янги обод" маҳалла фуқаролар йиғини, Муқимий шаҳарчасида дебитор қарздор бўлган фуқаролар сонини кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳатто баъзи бир хонадонларнинг қарздорлиги 2-3 миллион сўмга етган. Нега? — Маҳалламизда 39 та кўча, 32 та кўп қаватли уй-жой бор, — дейди "Аччиқкўл" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иброҳимжон Назаров. — Пандемия бўлиб, коммунал тўловлар билан боғлиқ ишлар эътибордан четда қолди. Лекин бу хотиржамликка асос бўлмади. Айтиш керакки табиий газ ва бошқа коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, қарздорликларни бартараф этиш мақсадида кўчабоши, маҳалла фаолларидан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил қилганмиз. Маҳалла радиотўзели ва "Аччиқкўл" маҳалла телеграм канали орқали мулоқотлар, мавжуд муаммолар ҳусусида амалий тақлифлар бериб боришни йўлга қўйдик.

Шаҳардаги 643 та кўп қаватли уй марказий иссиқлик тизимидан узил қўйилган. Натияжада, ақсариёте истеъмолчилар уй истишида газдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бу табиий газ сарфини белгиланган мейёрдан 20 фоиз кўп сарфлаш ва қарздорликнинг ошишига сабаб бўлмоқда.

— Кўп қаватли уй-жойларга иссиқлик етказиб бериш ишлари тўхтаганига кўп йил бўлди, — дейди Қўқон шаҳар "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш давлат корхонаси раҳбари Ҳўжаахор Ҳўжақулов. — Чунки иссиқлик ишлаб чиқариш ва етказиб бериш қувурлари янгилашга муҳтож. Бунинг учун умумий ҳисобда 500 миллиард сўм маблағ керак бўлади. Айтиш керакки табиий газ таъминоти ташкил этиш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқиш, газ ва энергия тежовни ускуналарни танлаш, хориқликлар иш тажрибасини ўрганиш борасида иш олиб боришмоқда.

Қарздорликни камайитириш учун истеъмолчилар ўртасида тўлов маданиятини шакллантириш зарур. Бунга эришилмас экан, қарздорликни бартараф этиш оғриқли масала бўлиб қолаверади.

— Маҳалламизда бир кун газ бўлса, икки кун бўлмади, — дейди "Дўстлик" маҳалласида яшовчи Раҳмоннали Жураев. — Шу боисдан уйимизга тортилган газ тармоғини муҳрлаб қўйдик. Аммо газ идораси ходимлари келиб, ишлатилмаган газ учун 500 миң сўм қарздор қилиб қўйди. Бормаган жойим,

қирмаган эшигим қолмади. Бир нав қилиб норел қарздорликни бартараф этдик. Бу каби ҳолатлар жуда кўп. Уйда яшамаётган фуқароларга катта миқдорда қарздорлик келди. Сабаби, газ идораси ходимлари келганда хонадонда бўлмаганларнинг ҳисоблагичдаги аввалиги кўрсаткичларига асосланиб фойдаланмаган газ учун қўшимча тўловларни ҳисоблашди. Бу эса дебитор қарздорликни сунъий равишда ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

— "Наврўз" маҳалласидаги кўп қаватли уйда яшаймиз, — дейди Илҳомжон Аҳмедов. — Уйимиз иссиқлик тизимидан узилганига ўн йилдан ошди. Шу боис табиий газ ёрдамида уй иситамиз. Газ босими жуда паст. Шу сабабли ноқонуний бўлса-да, ҳар бир кўп қаватли уйларга газ сўргичлар қўйиб олганмиз. Яқинда шаҳар газ идораси мавжуд қарздорлик ҳақида маълумотлар тарқатди. Таҳлиллар натижасида шу нарса аён бўлдики, битта маҳаллада 20 миллион сўмдан ортиқ норел қарздорлик аниқланди.

Шаҳардаги Алишер Навоий, Муқимий мазе-ларини асосан Қўқон маҳалли исэнергомаркази иссиқлик билан таъминланган. Бугун қорхона фаолияти тўхта қолгани кишилик-қировли қунарда аҳолининг табиий газдан бўлган талабини оширмоқда. Натияжада, истеъмолчилар белгиланган мейёрдан 4-5 баробар ортиқ газ сарфлашга мажбур.

Утган асрнинг олтинчи йилларида тортилган табиий газ қувурларини янгилаш, газ тақсимотида замонавий ускуналардан фойдаланиш долзарб масала бўлиб турибди. Албатта, бу ишлар учун сармоя керак.

Декабрь ойида аҳоли истеъмоли учун 22 миллиард сўмлик табиий газ етказиб берилган, лекин истеъмол қилинган газнинг 5 миллиард сўмига тўловлар амалга оширилмаган.

Бир қараганда, Қўқонда табиий газ таъминотида юзага келган дебитор қарздорликнинг бу қадар ошиб кетишига Қўқон шаҳар ҳокимининг нима дахли бор деган савол туғилиши табиий. Аммо жойларда табиий газ сарфи билан боғлиқ мейёрлар ўз вақтида қўйиб чиқилиб, соҳага замонавий технология жорий этилганда, янги ташаббуслар ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ ишлар қўллаб-қувватланганда, аҳолининг табиий газдан бўлган қарздорлиги бу қадар иддис отмаган бўларди.

Расулжон КАМОЛОВ, Аскарвали ТУРСУНОВ.

ҚУВАДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ҚАРЗДОРЛИК ОРТМОҚДА

Куз-қиш мавсумида коммунал хизматлар, хусусан, электр энергияси ва табиий газ таъминоти билан боғлиқ ҳаётий масалалар, муаммолар энг долзарб мавзу сифатида барчамизни қизиқтиради. Айнисика, жорий йилги мавсум об-ҳавонинг ноқулай келиши туфайли мутасадди идоралар фаолиятидаги айрим камчиликлар сезилиб қолган бўлса, кўп ҳолларда истеъмолчилар бундай қийинчиликлардан азият чекиб яшамоқда.

Б у борада оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда энг муҳим ҳаётий зарурат бўлган коммунал хизматлар билан боғлиқ аҳоли мурожаатлари, секторлар раҳбарларининг сайёр қабулларида бўлаётган эътирозлар ушбу соҳалар фаолиятини исплохот этишга катта эҳтиёж борлигидан далолат беради.

Айтиш жараёнда давлатимиз томонидан мақсадали дастурлар доирасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Ҳўш, бугунги ўзгаришлар давомида аҳолининг истеъмолчиллик маданиятини нечоғли ўзгарди? Келинг, шу ўринда вилоятимизда биргина электр энергияси билан боғлиқ сўнгги ой иқлим ҳолатини таҳлил қилиб кўрамиз.

Маълумотларга қараганда, 2020 йилнинг 1 декабрь ҳолатига вилоятимиз аҳолисининг электр энергиясидан бўлган қарзи (2020 йилнинг 1 августига нисбатан) 32 млрд. сўмдан зиёдага кўпайди. Тўғри, ушбу даврда Фарғона ва Қувасой шаҳрида аҳолининг электр энергиясидан бўлган қарздорлиги камайишига эришилди. Аммо Қува ва Бағдод туманида қарздорлик 5 млрд. сўмдан ортиб кетди. Бу икки туманда қарздорлик қорхона-ташкилотлар эмас, асосан аҳоли хиссасига тўғри келаётгани ачинарлидир.

2020 йилнинг 1 август ҳолатига Қува туманида электр энергиясидан бўлган умумий қарздорлик 11 млрд. 99 млн. сўми ташкил этган бўлса, 1 декабрьга келиб қарздорлик 16,5 млрд. сўмдан ошди. Кейинги уч ойда қуваликларнинг электр энергиясидан бўлган қарзи 5 млрд. 400 млн. сўмга кўпайиб — салкам 14 млрд. сўмга етди. Бу борада Қува туманида улгуржи истеъмолчилар

туман ИИБдан ёрдам сўрашга мажбур бўлишди. Кейинги кунларда ҳаво бироз исиб, енгил нафас олишмоқда.

— Гапнинг очиги, штатларимиз жуда камгайиб кетган, — дейди Ойбек Акбаров. — Бугунги кунда туманимизда 50 мингдан ортиқ хонадонда 260 миң нафарга яқин аҳоли яшайди. Корхонамизда эса аҳолидан тўловларни йиғиш учун атиги 8 нафар муҳандисимиз бор, холос. Мутахассис етишмаслиги сабабли монтерларни ҳам маблағ йиғишга жалб этиб, тизимда учрайдиган турли қутилмаган фалокатларни бартараф этишга улгурмаптимиз.

Куз-қиш мавсуми учун туманда 5 та авария бригадаси ташкил этилиб, уларга 4 та транспорт бириктирилган. Бригада аъзолари туманининг энг чекка ҳудудига ўртача 25-30 дақиқада етиб боради. Аммо тизим эскирганлиги сабабли авариялар кўп содир бўлиб, уларни тезкорлик билан бартараф этиш имкони бўлмапти.

2020 йилги дастурга кўра, туманда 13 та ўрнига 19 та трансформатор олиб келиб ўрнатилди. 57 та трансформатор қишга тўлиқ таъмирланди. 48 километрлик янги тармоқлар тортилди. Аммо бу ҳаракатлар ҳозирча умумий ҳолатни ижобий томонга ўзгартириш учун етарли эмас. Чунки бугун туманда 634 та трансформатор мавжуд. Бу жиҳозларнинг ақсариёте маънан эскирган ва таъмирга муҳтож.

Корхона мутахассислари аҳолидан тўловларни ўз вақтида йиғиб олиш учун яна 10 нафар ҳудудий инспекторга эҳтиёж борлигини таъкидлашди. Афсуски, кейинги йилларда бу соҳага ёшларни жалб этиш имкони бўлмапти. Бойси, ушбу тизимда ишлаш учун, энг аввало, ихтисослашув, билим ва малака зарур. Юқлама кучлиги сабабли ҳар ойда икки-уч нафар ходим касал бўлади ёки асаби дош бермаётгани ишини ташлаб кетади.

— Айтиш керакки корхонамизда 88 та штат мавжуд бўлиб, унинг 8 нафари муҳандисларни ташкил этади, — дея мавжуд вазиятни шарҳлайди соҳада кўп йиллик тажрибага эга раҳбар ("Фарғона" ҳудудий электр тармоқлари корхонаси) АЖ ахборот хизмати мутахассиси Абдувоҳид Турдиевнинг маълум қилишича, шаҳар туманларда аҳоли ва истеъмолчилар сонидан келиб чиқиб, штатлар шакллантирилади. Шу боис, ҳудудлар ўртасида штатлар жадвалини шакллантириш борасида катта фарқ йўқ. — Тумандаги 2 миң 822 та улгуржи истеъмолчилар билан ишлашда жиддий муаммо йўқ. Аҳолининг дебитор қарздорлигини йўқотиш учун биринчи навбатда хонадонларга ўрнатилган электр сарфи ҳисоблагични тўлиқ замонавийсига алмаштириш керак. Аҳоли хонадонларига Тошкентда ишлаб чиқарилаётган янги электр ҳисоблагичлар ўрнатишни 2021

йилнинг 1 июнь санасига тўлиқ қуянаш режалаштирилган эди. Аммо бугунги кунга қадар туманда бор-йўғи 13 миң хонадонга янги электр ҳисоблагичлар ўрнатилиб, бор-йўғи унинг 6 миңгитаси ишга туширилди. Бу ишларни белгиланган муддатда тўлиқ бажариш учун электрон ҳисоблагичлар ва қўшимча қурилмалар ўз вақтида етказиб берилмапти.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ва қарздорликни камайитиришда корхона мутахассислари МФЙлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Ҳозирча бу ишлар қончиқари эмас. Бойси корхона мутахассислари "Қува", "Бойстон", "Қалинқўстин" ва "Пахтакор" МФЙларда аҳолининг электр энергиясидан қарзи туман миқёсда энг кўпи эканлигини қайд этишди. "Пахтакор" МФЙ раиси Икром Мисиров, "Қалинқўстин" МФЙ раиси Фароғат Тоҳиддинова киш қунарлари гарчи чироқ кўп ўчаётган бўлса-да, маҳалла аҳли электр ҳақини вақтида тўлаб келатганини маълум қилди.

— Маҳалладошларимиз иссиқхонада лимон етиштириш, қўчатчилик соҳасида жуда миришқор, — дейди "Қалинқўстин" МФЙ раиси Фароғат Тоҳиддинова. — Тўғри, 2020 йилнинг 1 декабрь ҳолатига МФЙ кесимида электрдан 130 миллион сўм қарзимиз борлиги аниқланди. Лекин қисқа фурсатда қарздорлик бартараф этилишига эришилди. Қолаверса, 535 та хонадоннинг 450 тасига янги электр ҳисоблагичлар ўрнатилди. Замонавий ҳисоблагич истеъмолчининг олдиндан тўлови тўғайтаганида оғохлантириб, ҳисоб-китоб қилмасда таъминоти бир зумда тўхтабди.

Маҳалла аҳолисининг қарздорлиги бўйича аниқлик киритиш мақсадида "Қува", "Бойстон" МФЙ раисларига икки кун мобайнида қайта-қайта қўнғирок қилиб, боғлана олмадик. Бу икки раиснинг ё шу даражада иши кўп ёки бўлмаса масъулияти юзасига ўта совуққонлик билан ёндашди...

— Акс ҳолда, икки кун давомида такрор ва такрор бир рақамдан бўлаётган қўнғирокқа қандай қилиб жавоб бермаслик мумкин?! Хуллас, бу ҳолат бўйича муаммо аниқ. Қува тумани электр таъминоти корхонаси маъсулларини турли баҳоналар ишлаш билан вақт ўтказмай, сидқидилдан ишлашга ҳаракат қилиши керак.

Ботир МАДИЁРОВ.

Баркамол авлод орзуси

ЁШЛАР ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Президентимиз 2020 йил 29 декабрь кунги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Келгуси йилда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислохотларимизни давом эттирамиз. Хусусан, Қуроли Кўчаларимиз кўдратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз” дея таъкидлагани бежиз эмас.



Бу борада белгиланган муҳим вазифалар Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ҳамда унинг вилот, туман-шаҳар кенгашлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Шунингдек, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 декабрь кунги имзоланган “Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёр-

лаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилот кенгаши ҳамда туман-шаҳар кенгашлари томонидан ёшларни маънавий-ахлоқий ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ҳаётбахш дастурлар ишлаб қандай вазъда беролмайман. Оиладан воз кечмоқчи эмасман. — Бунинг учун хотинингиз билан ажрашишингиз шарт эмас. Мен сизга ўғил туғиб бераман, сиз уни ўз фамилиянгизга ўтказиб, уйингизга олиб кетасиз. Эвазига менга уй олиб берасиз. Дилноза дайдиликдан кутулишнинг бундан бошқа чорасини ўйлаб тополмаганди. Абдуллага бу таклиф аввалига кетмади. Бирок хотини билан тортишиб қолган пайтларида, умри ўғилсиз ўтаётганини ўйлаб сиқилганида, Дилнозанинг ўша гапини эслайдиган бўлди. Бир кун бу ҳақда хотинига оғиз очди. Зулайхо кизларини тирик етим қилишни истамасди. Ноилож эрининг таклифини маъқуллади. “Эркак борки, муроди — ўғиллик бўлиш. Қолаверса, уни ўз ўғли каби тарбия қилади, эл қатори ўғил уйлантириб, келин туширади. Муҳими, ёпиғлик қозон ёпиғлик қолиши керак!” У ҳам бу борада қалта ўйлаб, хатога йўл қўйди. Хуллас, оилар кетидан оилар ўтди. Дилнозанинг бўйида бўлди. Абдулла унга ғамхўрлик қилиб, қозон-ўчоғидан хабар олиб турди. Ният қилингандай, ўғил туғилди. Унинг исмини Муродбек қўйишди. Абдулла ўғлини туғуруқхонадан олиб кетмоқчи эди. “Чақалоқ учун она суги жуда муҳим”, дея Дилноза Абдуллани зўрға кўндирди. Бола она сугига тўйиб олсин, деб она-болани уч ойгача ажратмасликка рози бўлишди. Эр-хотин Дилнозаникка яратилган бешик ва чақалоқ учун зарур бўлган барча нарсаларни олиб келишди. Зулайхо чақалоқни қўлига олиб, уни тезроқ олиб кетмоқчи эканини айтди. Дилноза эса фарзандини бегона аёлнинг қўлида кўриб, ўзини қўйишга жой тополмади. Хато қилиб қўйганини англади. Аммо энди бу хатони тўғрилашга ожиз эди. Абдулладан келишилган пулни олиб, аллақачон ярмини ишлатиб қўйган. Уч ойгача Абдулла кунда-кунора улардан хабар олиб, озик-овқат ташиб турди. Бу орада Дилноза ва катта ўғиллари чақалоққа меҳр қўйишди. Зафарбек ва Жавоҳир

чақирувгача бўлган ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, мудофаа соҳасидаги бошланғич билимларга ўқитиш, автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчилари, оммавий техник касблар мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Ўтган йили ташкилотнинг вилот-Кенгаши тасарруфидаги ўқув муассасалар томонидан оммавий техник касб ходимларини тайёрлаш бўйича 405 та ўқув гуруҳи рўйхатдан ўтказилиб, 10 миң нафардан зиёд турли тоифали касб эгалари тайёрланди.

2020 йилнинг биргина декабрь ойида вилот Кенгаши томонидан 543 мартаба давра сўхбати ва спорт мусобақалари ҳамда кўргазмали чиқишлар ташкил қилиниб, 48,5 миң нафар ёш ва аҳоли вакиллари жалб этилди. Тадбирлар мобайнида иштирокчилар ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича намунавий дарслар уюштирилиб, спорт техникалари ва жиҳозлари намоиши ўтказилди. Вилот Кенгаши тасарруфидаги ташкилотлар қошида фаолият юритаётган “Моделсозлик”, “Радиоспорт”, “Картинг”, “Ҳаво милтигидан ўқ отиш”, “Триатлон”, “Ёзги биатлон”, “Дуатлон” ва “Ҳарбий амалий кўпкураш” каби спорт тўғрақлари аъзоларининг кўргазмали чиқишлари бўлиб ўтди.

Бугунги кунда зиммаимиздаги шарафли, шу билан бирга масъулиятли вазифаларни тўлиқ бажаришда ташкилотимизнинг Марказий Кенгаши, Шарқий ҳарбий округ, вилот ҳокимлиги ҳамда Фарғона шаҳридаги “Темурбеклар мактаби” билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу фурсатдан фойдаланиб, юрт посбонлари бўлган ҳарбийларимиз, тизимда меҳнат қилаётган фидойи ходимларимизни вилот Кенгаши номида Ватан ҳимоячилари кўни байрами билан самимий муборакбод этаман.

Маҳмуд МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Фарғона вилот Кенгаши раиси.

ҒУЛОМЖОН БОБОРАҲИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилотидаги Халқ қабулхонаси мудири Ғуломжон Бобораҳимов 13 январь кўни 64 ёшида вафот этди.



Ғ.Бобораҳимов ички ишлар тизимида ишлаган даврида худудларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашга катта ҳисса қўшди. Ички ишлар сулоласининг вакили

сифатида соҳада ибратли ишларни амалга оширди. Кўплаб шогирдларни тарбиялади, жамоатчилик орасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Ғуломжон Мадаминович Бобораҳимов ўзининг билим ва тажрибаси, фидойилигини юртимиз тарақиёти, халқимиз фаровонлиги, тинчлиги йўлида сафарбар этди. Унинг меҳнатлари давлатимиз томонидан эътироф этилиб, 2015 йилда «Содик хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Фарғона вилоти ҳокимлиги.

Бугун ва истиқбол



АВТОБЕКЛАТЛАР ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛАДИ

Уларни замонавий тадбиркорлик объекти ва “ақлли бекат”ни бирлаштирган масканга айлантириш ёшларнинг шежовати ва салоҳиятига боғлиқ

Автовекатларни ёш тадбиркорларга бериш таклифи илгари сурилди. Зеро, бу иш — ҳар томонлама манfaatли, албатта. Ҳам бундан ва қаровсиз қолган жой ўз эгасини топиб, обод бўлади, ҳам ёшлар тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ўзи ва тендошлари бандлигини таъминлайди. Вилот автомобил йўллари худудий бошқармаси берган маълумотларга кўра, худуддаги умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларида жами 500 тадан ортиқ автовекат ўрнатилиб, қайта қуриш ва таъмирлаш мумкин бўлган, ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган худудда жойлашганили белгиланди. Уларнинг бугунги ҳолатини сарҳисоб қиладиган бўлсак, (Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳридаги сўнгги йўлларда янгидан қурилган ва қайта таъмирланган автовекатларни ҳисобга олганда) шаҳар-тумандаги аксарият автовекатларнинг қурилганига қариб 20 йилдан ортиқ вақт бўлган. Ўш четида деворлари нураб, фойсиз холга келиб қолган бекатлар қанчадан-қанча? Эндиликда бекатларнинг “умри узайтирилади”. Фарғонада ҳам бу борадаги ишлар қанот ёзмақда. Мақсад аниқ: автовекатлар ёш тадбиркорларга берилиши ва ёшлар бандлиги

таъминланган обод масканга айланиши керак. Президентимиз ишончидан куч олган йигит-қизлар худудлардаги бўш турган автовекатларни ёшлар ихтиёрига берилиши юзасидан ўз таклифларини билдиришпти. Бу ташаббус вилот ҳокимининг Бағдод тумани ёшлари билан учрашувда ҳам ўртага ташланган эди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилот бошқармаси бошлиғи Муҳаммаднинг Фаниев. — Жойларда “Ақлли бекатлар” ташкил этиш, биринчи навбатда, бўш турган бекатларда аҳолига сифатли ва қулай хизмат кўрсатиш, шунингдек, ёшларни ишли, даромадли қилишга қаратилган. Ҳозирда вилотда 239 та бўш турган автовекат тўғрисида маълумотлар базаси яратилди. Бугунги кунга қадар 400 тадан ортиқ автовекатда тадбиркорлик фаолиятини юритиш истиғида бўлган ёшлар рўйхати шакллантирилди. Талабдорларнинг, аввало, “Ёшлар дафтари”га киритилганили, қолаверса, автовекатларнинг нафақат замонавий кўтиш жойи, балки савдо ва маиший хизмат уйлари, электрон китоблар базаси — Bookland, алоқа ва интернет қўлайликлари жамланган масканга айлантириш бўйича бизнес режалари ўрганилмоқда. Бўлажак ёш тадбиркорларнинг ўзи бу ҳақида нима

дейди? Яқинда пойтахтимиздаги истиқбол кўчасида очилган янги инновацион бекат ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали танишиб, тўғриси, ҳайратда қолдим, — дейди кўзонлик ёш тадбиркор Руслан Соё. — Қўлай кўтиш жойлари, бепул интернет, шинам савдо уйи, айниқса, кунлик об-ҳаво маълумотидан тортиб, йўловчи кўлайликдан автобус йўналиши, унинг қайси манзилда келаётганига электрон ойнада онлайн кўрсатиб турилиши... барчаси халқаро мезонларга мос. Ички нафди тенгдонимиз “Ақлли бекат”нинг бир қисмида минимаркет ташкил этиб, доимий даромад манбаига эга бўлаётган экан. Ана шундай кўн вазифадар бекатларни Фарғонада ҳам қўлайтиришимиз керак. Ҳозирча ташаббус, эртага амалий ишга ўтилса, автовекатлар ёш тадбиркорларнинг иш жойи бўлган замонавий масканга айланади. Вилот ҳокимлиги мутахассиси Сардор Мукарромовнинг маълумот беришича, автовекатлар ёш тадбиркорларга фақат фойдаланиш учун бепул берилади. Унда тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича лойиҳа фойдаланувчининг ўз маблағи ёки банк кредити асосида амалга оширилади.

Дилновоз Қўлдошева.

Буни ҳаёт дейдилар! «УКАМНИ НЕГА СОТДИНГИЗ?!» Дилноза икки ўғли билан рўпарамиздаги кўп қаватли уйда ижарада турарди. Қўшни уйда яқин беш-олти ойдан буён яшаётган бу аёлнинг шахсий ҳаёти билан ҳеч қизиқмасдим.

Кейинчалик эшитсам, Дилноза ҳеч қачон иш-ламас, эри уни ахлоқсиз деб уйдан қувиб юборган. Бундай шармандаликдан ор қилиб, ака-укалари ҳам у билан борди-келди қилмай қўйишди. Бир йилдан сўнг Дилноза ҳақидаги бошқа бир гап ҳам қулоғимга чалинди. У боласини сотганимми... Дилноза шундай аянчи кўнларда ёлғон ваъдага, ўткинчи ҳою ҳавасга, вақтинчалик мол-дунёга учиб оила-сига бевафалик қилганидан қаттиқ асизланди. Бирок надоматнинг энди фойдаси йўқ. Эри иккинчи марта оила қуриб, бола-чақали бўлиб кетди. Дилноза эса у ёқдан-бу ёққа кўчини қўтариб, ит кўнини қўриб юрибди. Унинг айби билан икки фарзанди ҳам хору зорликда яшашга маҳкум. Ночорликдан катта ўғлини мактаб-интернатга ўқитишга берди. У энди фақат дам олиш кўнлари келиб туради. Спорт мактаб-интернатидан кундан-кунга қадди-қомати қўзилиб, ақли ҳам катта одамларникидай бўлиб қолган. Баъзида онасини тергайдиган одат чиқарган. Айтишларича, Дилноза ёшлиғида жуда гўзал бўлган экан. Энди эса ғам-ташвишдан сарғайган озгир чехрасида фақат қиртайган кўзалари қолган, холос. Онаси ёшлиғида вафот этиб, ўғай она қўлида вояга етган. Урта мактабни тамомлаши билан ўғай онасининг қистовида отаси уни биринчи келган совчини қайтармай, узатиб юборган. Дилнозанинг Фарҳодга кўнгли йўқ эди. Аммо ундан бу ҳақда ҳеч қим сўрамади. Икки болали бўлганида ўзини бегона эркак олдида бахтиёр ҳис қилди. Ярим кечаси узок сафардан қайтган эри уни уйда хуштори билан ушлаб олди. Аёлнинг кўкармаган жойи қолмади. Икки фарзанди билан бошпанасиз, оч-яланғоч қолганидагина унинг кўзалари очилди. Аммо жуда кеч бўлган эди... Отаси ёмон йўлга кириб кетган ёлғиз қизини оқ қилди. Тўрт ака-укаси эса иснодга қўйган сингилнинг борида йўғи яхши дейишди. Дилнозани алдаб, вақтини хушлаб юрган таниши ҳам ундан юз ўгирди. Шундай кўнларнинг бирида Дилноза қўшни туманлик Абдулла қассоб билан танишиб қолди. У сўз орасида хотини операциядан кейин тўғмас бўлиб қолгани, икки қизи

борлиги, аммо унга меросхўр ўғил кераклигини айтди. — Агар шартимга рози бўлсангиз, ўзим сизга ўғил туғиб бераман, — деди Дилноза. — Қандай қилиб? Мен сизга ҳеч қандай ваъда беролмайман. Оиладан воз кечмоқчи эмасман. — Бунинг учун хотинингиз билан ажрашишингиз шарт эмас. Мен сизга ўғил туғиб бераман, сиз уни ўз фамилиянгизга ўтказиб, уйингизга олиб кетасиз. Эвазига менга уй олиб берасиз. Дилноза дайдиликдан кутулишнинг бундан бошқа чорасини ўйлаб тополмаганди. Абдуллага бу таклиф аввалига кетмади. Бирок хотини билан тортишиб қолган пайтларида, умри ўғилсиз ўтаётганини ўйлаб сиқилганида, Дилнозанинг ўша гапини эслайдиган бўлди. Бир кун бу ҳақда хотинига оғиз очди. Зулайхо кизларини тирик етим қилишни истамасди. Ноилож эрининг таклифини маъқуллади. “Эркак борки, муроди — ўғиллик бўлиш. Қолаверса, уни ўз ўғли каби тарбия қилади, эл қатори ўғил уйлантириб, келин туширади. Муҳими, ёпиғлик қозон ёпиғлик қолиши керак!” У ҳам бу борада қалта ўйлаб, хатога йўл қўйди. Хуллас, оилар кетидан оилар ўтди. Дилнозанинг бўйида бўлди. Абдулла унга ғамхўрлик қилиб, қозон-ўчоғидан хабар олиб турди. Ният қилингандай, ўғил туғилди. Унинг исмини Муродбек қўйишди. Абдулла ўғлини туғуруқхонадан олиб кетмоқчи эди. “Чақалоқ учун она суги жуда муҳим”, дея Дилноза Абдуллани зўрға кўндирди. Бола она сугига тўйиб олсин, деб она-болани уч ойгача ажратмасликка рози бўлишди. Эр-хотин Дилнозаникка яратилган бешик ва чақалоқ учун зарур бўлган барча нарсаларни олиб келишди. Зулайхо чақалоқни қўлига олиб, уни тезроқ олиб кетмоқчи эканини айтди. Дилноза эса фарзандини бегона аёлнинг қўлида кўриб, ўзини қўйишга жой тополмади. Хато қилиб қўйганини англади. Аммо энди бу хатони тўғрилашга ожиз эди. Абдулладан келишилган пулни олиб, аллақачон ярмини ишлатиб қўйган. Уч ойгача Абдулла кунда-кунора улардан хабар олиб, озик-овқат ташиб турди. Бу орада Дилноза ва катта ўғиллари чақалоққа меҳр қўйишди. Зафарбек ва Жавоҳир

онысиз тузган шартномадан беҳабар, тўлишиб, ширингина бўлиб қолган уқачасини эрқалатишарди. Муродбек уч ойлик бўлганда имижимиде келиб уни олиб кетишди. Жавоҳир уқачасининг қўлиларини қўйиб юбормай, “Олиб кетманлар?” дея йиғлаб қолди. Дилнозага ҳам бу айрилиқ қаттиқ таъсир қилди. Чунки у боласидан, Абдулладан ҳам бир-варакайига жудо бўлганди. Фарзанд туғиб берса, Абдулла билан муносабатлари янада яқинроқ бўлар, борди-келди узилмас, дея умид қилганди. Лекин... Дилноза улардан боласини гоҳ-гоҳида кўриб туришига рухсат беришларини ўтиниб сўради. — Йўқ! — деди Абдулла. — Бу сен учун ҳам, бола учун ҳам ёмон бўлади! Энди учинчи ўғилнинг борлигини унут. У сен учун ўлган! — деди. — Ёпиғлик қозон ёпиғлик қолиши керак! Мен ўғлимни қасранди” дейишларини истамайман, — деди Абдулла унинг қўлига бир даста пул тутқазар экан. Дилноза пулни чангаллағанча чўккалаб, уларнинг орқасидан кўз ёш тўкиб қолди. — Ойи, нега укамни олиб кетишди? Нима учун? Нега бериб юбордингиз?! Кичкина Жавоҳирнинг фарёидини ўзига келган Дилноза уни бағрига босмоқчи бўлди. Беш яшар ўғли

унинг қўлидан силтаниб, кўчага чиқиб кетди. Кечгача уйга келмади. Одамови, ғамгин бўлиб қолди. Дилноза бир неча кўнча кўкراгининг оғриғига чидай олмади. Кўкраги сўтга тўғиб азоб берар, ҳарорати кўтарилиб кетганди. Дам олиш кўни интернетдан келган Зафар уқасини кўришга ошиқди. Унинг қароватчаси бўш эканлигини қўриб, у хонадан бу хонага югурди. —Укамни кимга сотдингиз?! — деб бақирди. Маҳаллада тарқалган мишмишларнинг бир учи ўн бир ёшли Зафарнинг ҳам қулоғига етганди. Кундан-кун аҳоли оғирлашиб, тўшака миҳлиниб қолган Дилнозани кўшниллар касалхонага элтишди. Қотиб қолган кўкрағида саратон ривожланиб бoshлаган экан... Абдулла қотиб қолган унинг умрини сақлаб қоллолмади. Уни тақдир бебаҳадат жазолаган эди. Дилноза она сугига зор бўлиб ўлаётган ўғлининг исмини айтиб ҳаётдан кўз юмди...

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.



ЭЪЛОНЛАР

ТАНЛОВГА МАРҲУМАТ!
Қувасой шаҳар худудининг 11, 14, 15, 19, 20-контурларида жойлашган жами 100 гектар майдонни сув билан таъминлаш мақсадида қудуқ бурғулаш учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.**
Эълон қабул қилиш мuddати: 2021 йил 26 январьгача.
Эълон қабул қилиш манзили: Қува тумани, “Гулустон” МФЙ, Мезон кўчаси, 42-уй.
Мурожаат учун телефон: 90 630-76-36.
Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаби (собиқ Фарғона санъат коллежи) ни 2019 йилда тамомлаган Акрамжонов Ислоббек Аҳоржон ўғли номига берилган К 5686983 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қува тумани 11-ўмумий ўрта таълим мактабини 2005-2006 ўқув йилида тамомлаган Мирзимова Ноилоҳон Мирсодиқовна номига берилган SH 0499898 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Фарғона 2-тиббидет коллежининг “Ҳамширалик иши” мутахассислигини 2011 йилда тамомлаган Хайруллоева Фотима Олим қизи номига берилган К 2168769 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Қува тумани 14-ўмумий ўрта таълим мактабини 1996 йилда тамомлаган Сатторов Махлиёхон Абдунабиевна номига берилган UZI 269291 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Қувасой шаҳар, “Исфайрамсой” МФЙ худудда жойлашган “HURTOJIXON” хусусий корхонаси номига берилган дуналқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Фарғона шаҳар 11-ўмумий ўрта таълим мактабини 2004 йилда тамомлаган Гафуржонова Шахлохон Ваҳожон қизи номига берилган O’RA 1563795 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Кўксида доғ узра доғ...

ХЕРСОН ДАФТАРИГА ЁЗИЛГАН ДОСТОН

Марғилонлик машҳур тadbиркор Каримжон Амин Шохбўй ўғли Украинанинг Херсон вилоятига "қулоқ" сифатида сургун қилинганда 1931 йилнинг эрта баҳори эди.

Йўқчилик, мусофирчилик, боз устига "қулоқ", "ёт унсур" деган тўхматона хитоблар бу ердаги юзлаб оилаларнинг аччиқ қисмати эди. Лекин тош келса кемириб, сув келса симириб яшаган бардошли ўзбек халқи вакиллари ҳар қандай шароитда ҳам меҳнатқашлик, яратувчанлик фазилатини намоеён этаверган. Каримжон ота ҳам Украинада пахта етиштирган инсонлардан бири эди. Унинг завжаи муҳтарамаси Хосиятхон Юсуфали қизи эрига садқотини дариф тутмай, у билан бирга бегона юртга келишга рози бўлди. Марғилоннинг илму маърифатли, хунарманд аёли қўлига кетмон олиб, далада ишлади. Пахта теримида илгор бўлганларга ватанига кетишга руҳсат бериларкан, деган хабарни эшитган шўрлик аёл белига этак боғлаб, кечалари ҳам пахта терарди. Қиш кунлари хира чирок шувласида "Иброҳим Адхам" достонини ўқиб, аёлнинг ҳазин товушлари оҳангга айлиниб янгарди. Мунглик аёл: "Эй, Парвардигор, менга икки ўғил ато этсанг, бирининг исмини Иброҳим, бириникини Адхам қўярдим" дея илтижо қиларди.

Оллоҳ унинг дуоларини ижобат айлади. Мусофир ўлкада Иброҳимжон, кейин Адхамжон дунёга келди. Онаизор гўдакларига ўзи севган "Иброҳим Адхам" достонини алла қилиб айтаркан, бу юрак ноласи Херсон даштарли узра узоқларга таралди.

Ватандан йироқда, онанинг ҳазин достонини тинглаб улғайган болалар — Иброҳим Каримов фалсафа фанлари доктори, профессор Адхам Каримов эса истеъдодли журналист бўлиб етишди. Уларнинг катта акалари Юсуф Каримов вилоят "Коммуна" газетаси (ҳозирги "Фарғона ҳақиқати") га тамал тоши қўйган алп журналистлардан эди. Иброҳим ака ҳам маҳаллий газеталар тахририятида ишлаб, сўнграқ пойтахтда илм-фан йўлида изланди. Адхам ака уларнинг изидан бориб, қалам аҳли сафига кирди.

Тошкент давлат университети журналистика факультетини сиртдан тамомлаб, қисқа вақт маданият муассасаларида ишлади. Унинг санъатга иштиёқи болалик пайтларида тугилган, ақаси сотиб олиб берган рубоби чалиб, қўшиқ хиргойи қилар, куйлар яратарди. Етмишинчи йилларда у қўшиқнавис

шоир сифатида танилди. Шеърлари, ўзи басталаган кўшиқлари республиканинг таниқли хонандалари ижросида янгради. Комедия, дуэт, ариялари наинки Фарғонада, балки Сўрхондарё, Бухоро вилоят театрлари сахналарида намойиш этилди.

Ижодкорнинг журналистик фаолияти ана шу изланишлар етимида такомиллашиб боради. Вилоятнинг бош наشري — "Коммуна" ("Фарғона ҳақиқати") тахририятининг адабиёт ва санъат бўлими мудирлиги вазифасида ишлаган йилларида журналистиканинг бир неча жанрларида баракали ижод қилди. Очерк, публицистика, фельетонлари, халқ оғзаки ижоди манбалари асосида ёзилган кичик ҳикоя ва ривоятлари газета саҳифаларида чоп этилди. Болаларга аталган "Халоллик", "Қўшиқ, қўшиқ, қўшигим" шеърли, "Бир гапим бор, уч тилло", "Олам нурга тўлган кун", "Умрим таронаси" номли насрий тўпламлари нашр этилди.



Мазкур китоблар ижодкорнинг оловли тугёнлари, кўнгил розлари, аламли болалик йиллари, урушдан кейинги етимлик изтироблари, ҳаёт тажрибалари, замон қаҳрамонлари билан мулоқотлари, уларнинг сиймосига чизилар, муборак ҳаж сафари таассуротларини ўзига жамлаган манзума-лардир.

Ижодкор устознинг оғир-вазминлиги, муомала-маданияти бизни ҳамisha хайратга соларди. Тахририятдаги шинам, саришта хонаси деворида рубоби илиниб турарди. Ҳузурига кирган киши кўнгли тўлмай чиқиб кетмас, унга ибратли хикоят ёки ривоятлар сўзлаб, яхшилик сари дадиллантирарди. Ҳаётда ҳам унинг иқболи кўлган эди. Аёли Тўхтахоҳ ая билан тўққиз фарзандни вояга етказишди. Шўқури, улар эл қорига ярайдиган инсонлар бўлишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоллигига қабул қилиниши ҳақидаги хушхабарни эшитган кунларда тўсатдан шифохонага тушиб қолди. Бир кундан сўнг, 2000 йилнинг ёз ойларида олтимшига тўлиб-тўлмай дорилбақога йўл олди. Унинг ордидан кўнглиларга зeb берган ширин каломлари ва оламни нурга тўлдирган кунлари қолди. Орадан йигирма йил вақт ўтди. Лекин биз ҳамкасбларининг хотираларида устоз ҳамон ўқтам, ҳамон салобатли қиёфада турибди...

Маъмура АБДУРАҲИМОВА.

Газетага АРЗИМ БОР

Муаммолар ечимини ТОПМАЯПТИ

Кувасой шаҳрининг "Кокилон" маҳалла фуқаролар йиғини, Қақир кишлоғида жойлашган 27-ўрта таълим мактаби 1975 йилда ташкил этилган. Билми даргоҳида 356 нафар ўғил-қизлар таълим олмақда. Афсуски, ҳанузгача на спорт зали, на кутубхона, на тadbирлар ўтказиладиган зал бор. Ҳатто мактаб ошхонаси ҳам йўқ.

Жисмоний тарбия дарслари ташқарида, совуқда ўтказилаётгани, китоб ўқиш, спорт билан мунтазам шугулланиш истигадга бўлган ўқувчилар учун шароитнинг йўқлиги биз ота-оналар дилини оғриятпти.

Келажак эгаларининг замонавий таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилаётган бир пайтда, ўйлашиб қоламиз, фарзандларимизнинг бошқа болалардан нима камии бор?

Юқоридаги каби муаммолар юзасидан бир неча маротаба шаҳар ҳокимияти ва давлат муассасаларига мурожаат қилинган. Аммо натижа йўқ. Зора, тахририятга арзимиз орқали масала ижобий ҳал этилса!

Наргиза МАШАРИПОВА.

Давлат мулки: ТАШЛАНДИҚ БИНО 279 МИЛЛИОН СЎМГА СОТИЛДИ

Ўзбекистон тумани "Товуш" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган собиқ маданият уйи бошланғич нархи 150 миллион сўмга тенг қийматда ким ошди савдосига чиқарилди.

Умумий майдони 0,1908 гектар бўлган бино шу кунга қадар ташландиқ ҳолатда бўлиб, фойдаланмасдан келинган. Ушбу мулк учун бўлиб ўтган савдолар 3 нафар талабгор ўртасида қизгин кечди. Тортишувлар 27 кадамгача кўтарилди ва мулк 279 млн. сўмга сотилди. Аукцион қилини 1 йил мuddатда 350,0 млн. сўм инвестиция киритиш ҳамда 30 та янги иш ўринлари яратилди.

2021 йил 4 январь куни бўлиб ўтган аукцион савдоларида давлат мулки объектларининг 10 таси 1 йил мuddатда 1 миллиард 975,0 млн. сўм инвестиция киритиш ва 72 та янги иш ўринларини яратиш шарти билан 407,0 млн. сўмга сотилди.

— Бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда савдоларга чиқаришга руҳсат берилгани кулай инвестиция муҳитини яратиш, хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш, рақобатни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннарини пасайтириш орқали даромадларини ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий сармоя иштироки учун кенгроқ имконият яратилаётгани билан аҳамиятли, — дейди бошқарма бўлим бошлиғи ўринбосари Достонбек Махситалиев. — Шу кунга қадар, Фармон доирасида худудий бошқарма томонидан 25 та давлат мулки объектлари 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда савдоларга чиқарилди. Агентлик ходимлари томонидан берилган маълумотларга кўра, бугунги кунда Фарғона вилоятида жами 91 та объектнинг 90 таси оммавий савдо орқали сотиш, 41 таси ижара асосида фойдаланиш учун савдоларга чиқарилди.

Расулжон КАМолов.

Зиёрат туризми

умиди билан қаралиб, халқимизнинг бундай манзилларга ташрифи қанда бўлаётгани йўқ. Шу ўринда бир ҳақиқатни унутмаслик керак, одамлар зиёратгоҳга келгани билан ўз ниятлари ижобатини фақат Яратгандан сўрашди, азиз зотларга эса Худонинг назарига тушгани учун ҳам ихлос қилиб, ғойибона дуо сўралади, хурматлари бажо келтирилади.

Сатқакда 6 та булоқ бор. Ҳар бири алоҳида-алоҳида хусусиятга эга. Булоқларнинг бири "сарик касаллик", бири кўз-қулоқ оғриқлари, яна бири бефарзандлик дарди билан қийналаётган беморларга

айтмаганда, баҳор-кўз ойлари, айтиқса, киш кунларида "Сатқак азиз" хувиллаб қолади.

Асосан чорвачилик, деҳқончилик юмушлари билан керак, одамлар зиёратгоҳга келгани билан ўз ниятлари ижобатини фақат Яратгандан сўрашди, азиз зотларга эса Худонинг назарига тушгани учун ҳам ихлос қилиб, ғойибона дуо сўралади, хурматлари бажо келтирилади.

Сатқакда 6 та булоқ бор. Ҳар бири алоҳида-алоҳида хусусиятга эга. Булоқларнинг бири "сарик касаллик", бири кўз-қулоқ оғриқлари, яна бири бефарзандлик дарди билан қийналаётган беморларга

"САДЖАК ОТА" МАҚБАРАСИ — етарлича ўрганилма(ёт)ган, сайёҳлар жалб этилма(ёт)ган қутлуғ манзил

Зиёратингиз қабул бўлсин, онажон! — Раҳмат, боллам, муродингиз ҳосил бўлсин!

Олтиариқлик Насибохон она Отақуллова ҳар гал Фарғона тумани Сатқак кишлоғидаги яқин қариндошларини йўқлаб келганида худуддаги "Саджак ота" мақбарасини зиёрат қилмай кетмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Қишнинг совуғи, чилланнинг захрига қарамай, мурдбахш масканга йўл солди.

Бу жойлар Яратганнын назари тушган азиз ерлар, — дейди онахон мақбарга олиб чиқувчи юз чөлчи зиналардан бирида тўхтаган кўйи. — Болалигимда онам билан бирга келиб, улуглар ҳақида дуо қилардик, яхши ниятларимизни тилаб қайтардик. Бугун эса набираларимни мана шу қутлуғ манзилга бошлаб келаялман. Зиёратингиз ҳосили мўл, дейишди-ку. Халқимиз азалдан қаердаки азиз жой бўлса, ўша ерга Яратганнын бир нури тушиб туради, деган сўзга ишониб келган. Шунинг учун ҳам қишми-ёзим зиёратни қанда қилмаймиз.

Ҳа, Сатқак кишлоғи бағрида неча замонлардан бери сақланиб келаётган мақбара, шифобахш булоқлар, нодир дарахтлар, умуман, табиатнинг ўзига хос манзараси ушбу манзилнинг саноатиға ишора аслида.

Қишлоқ теварагига келганида тепалиқда жойлашган мақбара яққол кўриниб туради. Унга олиб чиқувчи икки зина бир хил санокда адоғига етди. Тепалиқ — мақбара ёнига кўтарилишингиз билан сизни шу даргоҳнинг хос ишчиси Қобилжон хожи ота Солижонов кутиб олади.

— Бир неча юз йиллардан бери ушбу мақбарга Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг авлодларидан бири, Арабистоннинг Саджак деган худудидан бўлган Мулла Абдураҳмон Саджакийиники, деб нисбат бериллади. У зот VIII асрда муқаддас ислом дини тарғиботчиси сифатида машҳур бўлган. Аммо унинг хожи қандай қилиб бу ерга келиб қолгани бизга қоронғу, — дейди у. — Ёши улугларимизнинг эслашича, собиқ шўро даврида "Остига олтин яширилган", деган вақт билан мақбара бузиб ташланган. Унинг остидан катта тош ва китоб чиққан экан. Кейин одамлар уни ҳашар йўли билан қайта тиклашган. Узоқ йиллар хўжаликка раислик қилган раҳматлик Оловуддин ота Сатторов зиёратгоҳнинг янада обод қилиш ишларига бош бўлган. Утган йили зиёратгоҳ ва унинг атрофи қайта таъмирланди.

Шўқри, юртимизда муқаддас зиёратгоҳ, қадамжоларга ҳурмат ва яхшилик

шифо улашади, деб ишонилди. Энг катта булоқда минглаб балиқлар яшайдики, уларни келиб-кетувчилар "дард олар" балиқлар деб алқашди. Яхши ният қилиб ёки бирор дардига шифо истаб, сувдаги жониворларга емиш ташлаётган инсонлар қалбида Яратганнын раҳмиға умид бўлади, албатта.

Худуднинг ўзида бир-бирига мунтамосиб жойлашган озлаб тол, терак, чинор дарахтлари кўкка буй чўзиб турибди. Маҳаллий аҳоли ушбу дарахт ёки буталарнинг бирортасини бевақт қуриб қолгани ёки кесиб ташланганини эслаб олмайти. Бунинг ҳам бир саноати бордир балки.

Қўлай табиий шароит сабаб Сатқакка кўпчиға ёз ойларида дам олувчилар, зиёрат истагидаги одамлар оқиб келади. Куннинг иссиғида сўлим табиат бағри, баҳава гўшада ҳордик олишдан мароқлиси бўлмаса керак. "Сатқак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Валижон Қодировнинг сўзларига кўра, кишлоқнинг зиёрат ва дам олишга мўлжалланган худудида 21 та чойхона, 25 тадан ортиқ аттракцион ва кўнгилочар объектлар мавжуд. Уларнинг аксарияти яроқли. Яна 50 тага яқин савдо расталари ўрнатилган. Бироқ буларнинг бари қишда қаровсиз, мунгайиб қолади. Ора-сирада балиқларга емиш ташлаб кетаётган бир-икки одамларни

Дилнавоз Қўлдошева.

Мулоҳаза

ҲАЁТИМИЗ ОНЛАЙНЛАШИБ КЕТМАЯПТИМИЗ?

Албатта, бу каби кулайликлар оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилаётганини аниқлаётган нига шубҳа йўқ. Бирок тангнинг икки томони бўлганидек, онлайн ҳаётнинг ҳам ўзига яраша салбий жиҳатлари бор.

Ижтимоий тармоқ орқали бир хабарни ўқидим-у, тилим айланмай қолди. Икки ўзбек фарзанди турумуш қуришга аҳд қилишибди-ю, йигит чет элда ишлагани боис, қандайдир сабаблар билан тўйга етиб келолмабди. Яқинлари эса келишиб, онлайн тўй ўтказибдилар. Буни қандай тушуниш мумкин: онлайн урф-одати?

Ёки бугун дунёни ларзага солган пандемия давридаги ҳаётимизни онлайнлик. Талаблик бахти-

берилса, дарҳол қўлимиздаги митти қурилмага юзланамиз: жавоби ҳозир унозир. Китобнинг моҳиятини бир саҳифага "маржондек тизиб қўйган" маълумотни юқлаб оламиз. Хулоса қиламан: уч-тўрт юз саҳифалик асарнинг аси мазмун-моҳиятини биргина маълумотга ситдириб бўлармиди?! Қани китоб-хонлик завқи, қани мутолаа маданияти?

Бугун аксарият одамлар онлайн ҳаёт оқимида сузмокда. Гўё ким ижтимоий тармоқларда фаол бўлмаса, у замондан ортда қолгандек. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг тобора ижтимоий тармоқларга муте бўлаётганлари ачинарли. Улардаги беҳаё, минта-литетимизга мутлақо зид видеороликларни синфдошлар туни билан бир-бирига "илиниб чиқади", эртасига дарс вақтида "зур фильм" муҳокамаси давом этади. Ёшларнинг беғубор болалиғи шу каби дилхирликларга кўмилиб борапти.

Назаримда, онлайн олам ва реал ҳаёт чегарасини аниқлаб олиш вақти келди. Халқимизда ақойиб ҳикमत бор: "Асалнинг ози ширин!". Ҳар нарсада меъёр бўлсагина, унинг қадрини, салмоғини, ҳурмати сақланиб қолади.

Озодобону РУСТАМОВА, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

	<p>МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</p> <p>Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz</p>	<p>Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВА</p> <p>Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p> <p>Газета тахририятига юборилган кўлэзма ва суратлар қайтарилмайди.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.</p> <p>Босишча топшириш вақти: 19.00. Топширишда: 19.00.</p> <p>Буюртма: 28 Индекс: 7521 Алади: 10 455</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.</p> <p>Саҳифаловчи Алишер Розиков.</p>
--	--	---	---	--	---